

**Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси марказий аппарати
ходимлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Ўзбекистон
Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва бошқа
меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ўрганиш соатлари тўғрисида маълумот**

Тадбир давомида иштирокчиларга маърузачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 26 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни Макроиқтисодий таҳлил ва прогнозлаштириш, молия ва банк тизимларини ислоҳ қилиш, хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни ривожлантириш масалалари комплекси бўйича амалга ошириш юзасидан Йўл харитасини ижросини таъминлаш бўйича Давлат статистика қўмитасининг чора-тадбирлар режаси ва тизимли ўрганиш бўйича режа-жадвалга асосан Ўзбекистон Республикаси Конституциясини тизимли ўрганиш тўғрисида батафсил маълумот берди.

Маърузачи томонидан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг “ХI боб. Фуқароларнинг бурчлари, Учинчи бўлим. Жамият ва шахс ХII боб. Жамиятнинг иқтисодий негизлари, ХIII боб. Жамоат бирлашмалари”нинг мазмун-моҳияти йиғилганлар эътиборига етказиб берилди.

Шунингдек, Конституцияни мунатазам ва давомли ўрганиб боришга ва бу бўйича режа-жадвал асосида ташкил этилганлиги ҳамда ҳар ойда бир марта ўтказилиши тўғрисида ахборот берилди.